

Жиноят-Ижроия Тизимини Такомиллаштириш Борасида Амалга Оширилаётган Ислохлар

Шухрат Холматович Абдушукуров

Ўзбекистон Республикаси ИИВ таянч докторанти

Аннотация: Мақолада ҳозирги кундаги республикамиз жиноий жазони ижро этиш тизими фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш таҳлил қилинади. Жиноят-ижроия сиёсати республикамизда ички сиёсатнинг муҳим ва долзарб йўналишларидан бири эканлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: маҳкумлар билан муомала қилишда ўрнатилган стандартлар, маҳкум ҳуқуқлари, жиноят-ижроия ҳуқуқи, жиноий жазони ижро этиш тизими фаолиятини такомиллаштириш.

Юртимизда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган муҳим конституциявий тамойилни жорий этишга устувор аҳамият берилмоқда. Бунинг сабаби эса “Адолат – давлатнинг асоси ва раҳбарлар шиоридир” Амир Темур. “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адолат қўрғонини бунёд эт”. “Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик бўлиши керак” деган ғоя илгари сурилди.

Мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча бўғиндаги мансабдор шахслар фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дарду ташвишлари билан қоғозда эмас, амалда жиддий шуғулланмоқда.

Биз ҳаётимизда мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупция, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, таълим ва тиббиёт билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини очиқ тан олиб, уларни кенг жамоатчилигимиз билан биргаликда бартараф этмоқдамиз.

Мамлакатимизда шахснинг ҳаёти, шаъни ва кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида кенг кўламли самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар ҳар бир давлат органлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтириши зарурлигини англатади. Хусусан, сўнгги йилларда мурожаатларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мурожаатларнинг турлари, шакллари ва таснифи, бу борада янгича иш тизимини яратиш масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий вазифаларидан бирига айланди. Жумладан ички ишлар органлари томонидан инсон ҳуқуқлари, шу жумладан озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида улар томонидан берилган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқоридаги фикрлар асосий қомусимизда ҳам ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар

жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”-деб белгилаб қўйилган. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган барча соҳадаги кенг қамровли ислохотлар натижасида нафақат республикада истиқомат қилаётган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, балки мамлакатимизда яшаётган ўзга давлат фуқаролари, жазони ижро этиш муассасаларида ўзларининг суд органлари томонидан белгиланган жазо муддатларини ўтаётган шахсларнинг ҳам ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари янада кенгайтирилиб, улар учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Мамлакатимизни 2017 – 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд қарор ва фармонлар қабул қилинди [1].

Барчамизга маълумки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг рўйхати, мазмун ва моҳияти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамланган. Ушбу сиёсий ҳужжат дунё аҳолисининг виждони, инсоният маънавиятининг намунавий асоси бўлиб ҳисобланади. Мазкур тарихий ҳужжатда инсон ҳуқуқлари кафолатлари ўз тасдиғини топган, яъни декларациянинг 2-моддасида “Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарурлиги, бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, васийми, ўз-ўзини идора қиладими ёки бошқача тарзда чекланганлигидан қатъи назар бирор бир айирмачилик бўлмаслиги лозим [2]” деб кўрсатилган.

Конституциямизнинг 37-моддасида мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг эканлиги, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилган.

Юртимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини мустаҳкамлаш, озодликка чиққанларидан сўнг улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ахлоқан ва маънан тузатиш юзасидан тарбиявий ишларнинг самарадорлигини кучайтириш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, жазоларни ижро этиш тизими фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят ижроия кодекси ва унинг асосида қабул қилинган бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилади:

Ўтган қисқа вақт мобайнида давлатимиз раҳбарининг озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни таълим ва касб-хунарга жалб этиш, умуман ушбу тизимни ислоҳ этиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор фармон, қарор ва фармойишлари ҳаётга татбиқ қилинди. Хусусан тизим фаолиятига тегишли **9 та** қонун, Президентининг **5 та** фармони, **6 та** қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг **9 та** қарори ҳамда **14 та** бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жиноят-ижроия амалиётини ўрганиш натижалари маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш, келгусида жамиятга ижтимоий мослаштириш учун ахлоқан тарбиялаш ва меҳнатга ўргатишнинг шаффоф ва янада самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш зарурлигидан келиб чиқиб, замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда жиноят-ижроия

қонунчилигини тубдан такомиллаштириш мақсадида, 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон Қарорда жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, тизимлаштириш ва уйғунлаштириш, маҳкумлар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш, маҳкумлар онгида қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш, умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш, маҳкумлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат самарадорлигини ошириш, жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларнинг озодликдан маҳрум этиш жойлардан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш кабилар жинсий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди[3].

Жазо муддатларини ўтаб, озодликка чиққан шахслар устидан назоратни олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг ҳудудий бўлинмалари таркибларида Пробация хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилган.

Жазони ижро этиш тизимида хизмат қилаётган ҳар бир ҳодим тарбиячи ҳисобланади. Яъни озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жамиятга соғлом фикловчи, ватан тинчлиги ва халқ фаровонлигига ўз хиссасини қўшадиган шахс бўлиб қайта тарбияланиб чиқишида уларнинг хизматлари беқиёс. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 февралдаги “Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 84-сон Қарорига асосан, Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2020 йил 1 мартдан бошлаб назорат остидагиларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича ўзаро ҳамкорлик ҳамда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институтида Пробация хизмати ходимлари малакасини ошириш тизимини йўлга қўйилди[4].

Бундан ташқари, ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг «Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 августдаги ПҚ-3200-сон Қарори қабул қилинди. Қарорда Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришда Ички ишлар вазирлигининг энг муҳим еттида вазифаси белгилаб берилиб, Жазони ижро этиш муассасалари ва уларнинг ташкилотлари 2023 йил 1 январгача бўлган муддатга барча турдаги солиқлар тўлашдан озод этилди[5].

Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳамда бу борадаги илғор ютуқларни уларнинг фаолиятига татбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 5 март куни “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти

самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 128-сон Қарор қабул қилинди.

Ушбу қарорда жазони ижро этиш хизмати фаолиятининг самарадорлигини янада оширишни назарда тутувчи қуйидаги низом ва дастурлар, яъни: жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, жазони ижро этиш муассасалари ва уларнинг ҳудудларини жиҳозлашга қўйиладиган умумий талаблар, муассасаларда режим турлари, уларни қўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, маҳкумлар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш муассасалари ҳузуридаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва маҳкумларнинг бандлигини таъминлаш назарда тутилган Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасалари тўғрисида низом; 14 та жазони ижро этиш колонияларининг 60 та яшаш ётоқхоналарини кубрик типидagi хоналарга ўзгартириш йўли билан реконструкция қилиш ва 3 та янги бино қуришни назарда тутувчи 2020 — 2024 йилларда жазони ижро этиш колонияларининг яшаш ётоқхоналарини кубрик типидagi хоналарга ўтказган ҳолда уларни босқичма-босқич қуриш ва реконструкция қилиш дастури; 18 та жазони ижро этиш колонияларини 1833 дона видеокузатув мосламалари ва 36 комплект шахсий видеорегистраторлар (боди-камералар) ўрнатилишини ҳамда Пробация хизмати амалиётига 3 000 дона электрон браслетларни тадбиқ этишни назарда тутувчи 2020 йилда озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларини видеокузатув мосламалари ва шахсий видеорегистраторлар (боди-камералар) билан жиҳозлаш ҳамда Пробация хизмати амалиётига электрон браслетларни тадбиқ этиш дастури тасдиқланди[6].

Мазкур қарор барча жазони ижро этиш муассасаларини, яъни жазони ижро этиш колониялари (*шу жумладан, даволаш ҳуқуқи асосидаги*), тарбия колониялари, турмалар, маҳкумлар учун ихтисослаштирилган касалхоналар, тергов ҳибсхоналарида маҳкумларнинг жазони ижро этишлари даврида яшаш, ишлаш ва бошқа ижтимоий шароитларини янада яхшилаш мақсадида улар учун яшаш ётоқхоналари қуриш ва мавжуд ётоқхоналар, маданий-маиший бинолар, маҳсус бинолар ҳамда аёл маҳкумларни сақлашга мўлжалланган колониялар ҳузурида болаларнинг нормал яшаши ва ривожланиши учун шароитлар яратилган болалар уйини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун техник топшириқлар тайёрланишда асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, Жазони ижро этиш муассасалари жумласига жазони ижро этиш колониялари (*шу жумладан даволаш ҳуқуқи асосидаги колониялар*), тарбия колониялари, турмалар, маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар, тергов ҳибсхоналари киради [7]. Илгари сурилаётган илғор ғоялар ва амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида жазони ижро этиш тизимида маҳкумларга нисбатан жиноий жазоларни ижро этиш, жазони ижро этиш муассасаларида қўриқлаш ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш, маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш, ишга жойлаштиришга ва маиший ҳаётидаги эҳтиёжларини аниқлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилингандан кейин уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқбузарликларни содир этишининг олдини олиш мақсадида тарбиявий ишлар олиб бориш, жазони ижро этиш муассасалари ва давлат унитар корхоналарининг молия-ҳўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳкумларнинг бандлигини таъминлаш, кадрлар ва шахсий таркиб билан ишлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ходимларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа шу каби соҳаларда қўллаб-қўллаб ижобий ўзгаришлар қилинди.

Тарихдан маълумки “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адолат кўрғонини бунёд эт”, деб ёш авлодга йўл-йўриқ кўрсатилган. Ана шундай содда ва ҳаётий талаблардан келиб чиқиб, ҳукуматимиз томонидан бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан бир қаторда

юқорида келтириб ўтилганидек, жазони ижро этиш соҳасида ҳам босқичма-босқич ислохотлар олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир фуқаро, ҳоҳ озодликда, ҳоҳ жазони ижро этиш муассасасида маҳкум бўлсин, у қандай шароит ва вазиятда бўлишидан қатъий назар, унинг қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари амалга оширилиши, ҳимоя қилиниши лозим. Юқорида кўрсатиб ўтилган ислохотлар замирида мана шундай мақсадлар ўз аксини топган.

Адабиётлар:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони. // URL:<https://lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят- ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4006-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 февралдаги “Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 84-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 августдаги ПҚ-3200-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 128-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. <http://www.lex.uz>